
15 октябрь-- Халқаро қишлоқ аёллари куни ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Хонобод МФЙдаги Яшил жамоат паркида 15 октябрь-Халқаро қишлоқ аёллари куни олдида "Аёллар дафтари"га киритилган 37 нафар хотин-қизларга тикув машинаси берилди.

Тадбирда туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов сўз олиб, --Тикув машинасига эга бўлган хотин-қизларимиз келажакда чеварчилик фаолияти билан шуғулланиб, табиркорликларини йўлга қўйиб олишларига ишонамиз,-деди.

Вилоят ҳоқими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова давлатимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида гапирди ва уларнинг келгусидаги ишларига омад тилади.

-Уч нафар фарзандим бор, уйда улар тарбияси билан шуғулланаман. Чеварчилик ҳунаримни энди бемалол ривожлантирсам бўлади,-дейди хонободлик Зарифа Маматалиева. Хайрли тадбирда ҳоқим ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ёзёвон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати.

2022-10-07 08:17:34